

МУҲАММАД ШАРИФ БУХОРИЙНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ

Муҳаммад Шариф Бухорий XVI аср охири – XVII аср бошида (1697 йил вафот этган) Бухорода яшаб, ижод қилган йирик тасаввуф алломаларидан бири эди. У “Жаннитлар” сулоласига кирувчи хонлар Абдулазизхон (ҳукмдорлиги 1645–1680 йиллар) ва Субҳонқулихонлар¹ (ҳукмдорлиги 1680–1702 йиллар) даврида юқори поғонага кўтарилади. У саройда энг обрўли олим, устоз, шоир эди². Сарой ишларида унга суянар эдилар.

Шу сабабдан ҳам уни 1682 йил 27 май куни Субҳонқулихон Ҳиндистонга элчи қилиб жўнатади³. Ҳинд шоҳи эса уни фахрий зар тўн билан улуғлайди⁴.

Муҳаммад Шариф ҳақиқатан ҳам сарой шоири эди. Бунга далил сифатида унинг Абдуллазизхоннинг устози эканлигини келтириш мумкин. Лекин сарой ишлари билан машғул бўлиш илм ва шеърият билан шуғулланишига таъсир кўрсата олмади. У саройда бир устоз, маслаҳатчи ва донишманд эди.

1693 йил 21 июлда бир воқеа бўлган эди. Мовароуннаҳр амирлари орасида исён чиқади. Бундан ғазабланган Субҳонқулихон исёнкорларни тутиб, зиндонга ташлашдан олдин “ул буюк устун, олий мақсадли, олимлар аллома-

си, ҳайрихоҳ, олимларнинг қаймоғи ва донолар намунаси, ҳадис олимларининг ягона таянчи, васиқали саййид, пайғамбарларга ворис уламо охунд мулло Муҳаммад Шарифни...” чакиришни буюради ва “ул йўлдан адашганларга насиҳат қилмоққа номзод қиладилар”. Улар келиб оят ва ҳадис далиллари билан уларни тўғри йўлга тарғиб қилдилар. Аммо улар такаббурлик ва қайсарлик йўлидан қайтмадилар⁵.

Муҳаммад Шарифнинг суфий шоир эканлигини биз юқорида тилга олган эдик. Маълумки, суфийлар ўз фароғатларини ўйламайдилар. Улар руҳий камолот (асосий йўли 4 босқич: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат) га интиладилар. Лекин баъзи асарларда “суфийлар ва суфизм реакцион таълимот бўлиб, кишиларни ижтимоий фойдали жиҳатдан, жамият ҳаётидан четга тортади, актив фаолиятини сўндиради, инсон моҳияти ва мақсадларини бузиб кўрсатишга интилади” деб уқтирилади. Бу билан Муҳаммад Шарифдан олдинги Мовароуннаҳр суфизм оқими (12 аср) асосчиси Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолик Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Ҳофиз Низомий ва улардан кейинги суфий Сўфи Оллоёр (17 аср) ва бошқаларнинг фазилати, ибратли ишлари йўққа чиқарилган бўлади.

¹ С.В.Р., Т.11, 364 б.

² Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс., инв № 2141.301-302 б.

³ И.Низомиддинов. XVI–XVIII асрларда Ўрта Осиё-Ҳиндистон муносабатлари. Т., 1966. 63 б.

⁴ Мирзо Муҳаммад Сокий. Оламгирнома, 102 б.

⁵ Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № РД.2141, 131-192 б.

Лекин Муҳаммад Шариф тор доирада фикр юритмасдан, инсонларга хизмат қилган, уларни тарбиялаган, оқилликка бошлаган. Унинг сарой аҳлларида кўра оддий халққа яқинлигини биз куйидаги лавҳадан ҳам билиб олсак бўлади.

Абдулазизхон даврида 1092 ҳижрий йилнинг 21 шаъбон (1681 йил 5 сентябрь) ойи, пайшанба куни Ануша-хон Урганжий Бухоро устига юриш қилиб, шаҳарни талон-тарож қила бошлайди. “Жон талвасаси ва ўлим хавфидан мусулмон шаҳар халқининг фиғон ва қайғулари кўм-кўк осмонга кўтарилди. Фуқароларнинг аҳволи мушкуллашиб... ҳидоят мартабалик,... ислом ва мусулмонлар кўмакчиси, одам тоифаларининг муршиди, ҳикматли сўзларни кашф этувчи... ҳазрат Охунд мулло Муҳаммад Шарифнинг остонасига паноҳ сўраб келдилар”⁶.

Ул зот “ҳамма фуқаро билан душман фитнасини қонун асосида бартараф қилиш учун Самарқанд дарвозасидан чиқиб (Бухоронинг шимоли-ғарбида), сулҳнинг яхши мазмунига мувофиқ, сулҳга қадам қўйдилар. ... Шаъбон ойининг 22-эдики, калта фаҳмлик воситаси билан зарарқунандалик ҳокими ўз бошига сочган душманнинг истилоси Бухоро вилоятида бир кундан зиёд бўлмади”.

Ўша даврда Субҳонқулихон саройида 150 га яқин шоирлар бор эди. Лекин улар орасида Муҳаммад Шариф юқори ўринга эга эди. Мовароуннаҳр диёрида бўлиб ўтаётган ҳодисаларни билишда ва хулоса чиқаришда у кишига тенг келадигани йўқ эди. У ҳақида шундай китъа бор:

Қандай яхши, ақлни фикринг ила равшан қилувчисан,

Ҳамма илмларни аниқ ўзлаштирувчисан.

Фойдали маъноларни очувчисан,

*Сўзинг ила ота-бобо ва авлодга йўл бошлаувчисан*⁷.

Шеърят бобида шоир “Ғазалиёти Шариф – Шариф ғазаллари” тўпламини қолдирди. Суфизм ғоялари билан тўлган шеърларида халқнинг оғир меҳнати, оғир ҳаёт кечириши,

бу дунёдан бенасиб кетаётганлар ҳақида ҳам фикр юритади:

Ҳар кимки чақмоқдек келиб, аҳволимиз кўрди-ю кетди,

Сўрамай аҳволимиз, шароитимизга кулди-ю кетди.

Шаҳар аҳлидан зиёд подшолик кўриб, шамолдек қўзғалди-ю,

*Саҳро томон юзланиб, саҳрога сингиб кетди*⁸.

Ҳаётнинг мушкуллиги, қирон келтирувчи урушлар, отанинг болага, боланинг отага исён кўтаришлари, меҳр-оқибатни давлат, тиллога алмаштираётганларни куйиниб, образли қилиб ифодалайди:

Денгиз меваси ўзини намоён этди, аммо нуфакдек,

*Бир пишиди-ю, ўзлизидан кўз юмиб, ўз “баҳридан” кечиб кетди*⁹.

Оғир меҳнатни эса шундай таърифлайди:

Чақмоқ келиб кўрсаки, дунё меҳнатхона экан,

*Бир дам ором олмасдин, йўқлик саҳросига кетди*¹⁰.

Шоирнинг ғазаллари орқали замон жуда оғирлигини, инсонлар дард-аламга ботганлигини, ҳатто шоирнинг ўзи ҳам ундан қандай чиқиш йўлини топишга қийналаётганини кўрамыз:

Сийнамиз дард қулбасидур, ширатгоҳ эрмас,

Кўнглимиз орзу учун хаёлга йўл қўймас.

Шодлик бозорин қизиши бир нафасдан кўп эрмас,

*Чарчаган юлдузлар нури бу томон нури бермас*¹¹.

Ёки:

Йўқолган Юсуфинг қудуқдан чиқди ташқари томон,

*Эй, Шариф, ҳикмат ипинг қисқа эмасму тортмоққа ани*¹².

⁶ Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № РД.2141, 117 б.

⁷ Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № 2141, 118 б.

⁸ Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № 2146, 116 б.

⁹ Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № 2046, 117 б.

¹⁰ Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № 2046, 118 б.

¹¹ Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № 2046, 118 б.

¹² Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № 2046, 120 б.

Ёки:

*Ҳар бир йўқлик бормен деб даъво қилса,
бор бўлди, тут,*

*Биров ўзини осмонмен деб гердайса, сен
уни насб тут.*

*Бўлатуриб ўт, сени совутса ҳам, ўт деб
кут,*

*Ой юзли кимса қалбнинг тортса, бармоги-
дин тут*¹³.

Юкоридаги мисраларда шоир ҳаёт қи-
йинчиликларига қарамай инсон инсонлигича
қолишини, оғир-енгилликларга бу алдамчи
дунёда эҳтиёткорлик билан қараш керакли-
гини уқтиради. Фуқарони фоний дунёнинг
мушкулотларига қарамасдан, фақат Аллоҳдан
тилаб, хуш умр ўтказишга, тақдирга ишониш-
га чақиради:

*Ғамсиз ўтган кунимиз йўқ, лекин
ҳушвақтмиз,*

*Тонгини берса, кечини бермас, лекин
ҳушвақтмиз.*

*Ғайб оиҳонасидин неки бўлса, тайёр бе-
ради,*

*Бировдин хомини таъма қилмасмиз ва
хушимиз*¹⁴.

Муҳаммад Шариф инсондан кейин
мол-дунё эмас, бир сиким тупроқ қолишини
куйлаб, 82 ёшида ўзидан кейинги авлод учун
20 дан ошиқ йирик асарлар қолдириб кетди:

*Ким дунёда бир бино қолдирмоқ бўлса,
Шарифнинг фарзандларидек,*

*Ўл устига бир неча кесакни усма-уст
қўйиб кет*¹⁵.

Ёки:

*Узун ойли кечадир ва йиғлармиз унда ўта
дардли,*

*Худодин бошқа ҳолимиздан хабар олғувчи
ҳеч кимса йўқдур*¹⁶.

Ёки:

*Чирогимиз пилигининг шуъласи қора доғ
қиладур,*

*Бу ғамгин дилимизни доғдин бошқа сўра-
гувчиси йўқдур*¹⁷.

Ўз замонасининг алломаси Муҳаммад
Шариф Бухорий саройда катта мавқега эга
бўлишига қарамасдан халқининг нолишлари-
дан четда тура олмади. Тасаввуф таълимотини
чуқур эгаллаган ул зот Аллоҳдан бошқа Ҳабиб
йўқлигини ва ундангина нажот кутиш мум-
кинлигини куйлаб ўтди:

*Борлиқ борким, яратилган олам самоси-
дир,*

*Йўқ бўлдингми, манзилинг доруломондур*¹⁸.

Ёки:

*Жаҳоннинг ҳар бир заррасида юз бир жа-
раён,*

*Афзали шундаким, булар Ўзигагина аён*¹⁹.

Муҳаммад Шариф Бухорийнинг суфиёна
шеърларидан хулоса қилсак, у ўз даврининг
алломаси, шоири бўлган, ўз халқининг дарди-
ни куйлаган. Уларга ҳамдard бўлишга, оғири-
ни енгил қилишга интиланлигининг шоҳиди
бўламиз. Халқ қайғуси билан яшаган аллома
халқ шоири мақомини олди, унинг дарди би-
лан яшади, ижод қилди. Инсоннинг ўша давр-
даги оғир қисматини тушуниб етганлиги, унга
ачиниш ҳисси билан ёндашганлиги намоён
бўлади. Ўша вақтнинг шароити мураккабли-
ги, уни тузатиш амри маҳоллиги, Аллоҳдан
бошқа куч йўқлигига ишора қилди. Бу дунёда
ҳали ҳеч ким устун бўлмаганлиги, ундан фақат
ва фақат бир сиким тупроқ қолишини куйлади.

Шоирнинг ғазалларини мутолаа қилар
экансиз, ўша ўтмиш даврдаги жамиятнинг
азобли, оғир аҳволдан хабар топасиз. Турли
жанглар, юришлар ва тахт учун талашларнинг
гувоҳи бўласиз. Халқ бир оз бўлса ҳам нафас
олишга ҳаққи йўқдек туйилади. Инсон умри
жуда қисқалиги ва уни мазмунли ўтказишга
ҳам имкон йўқлиги намоён бўлади.

Муҳаммад Шариф ушбу ҳолатларни жуда
усталик билан, тушунарли ва ишончли тарзда
тавсиф этган.

¹³ Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № 2046, 117 б.

¹⁴ Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № 2046, 118 б.

¹⁵ Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № 2046, 119 б.

¹⁶ Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № 2046, 119 б.

¹⁷ Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № 2046, 117 б.

¹⁸ Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № 2046, 120 б.

¹⁹ Қўлёзма: Ўзб.Шарқ.инс.инв № 2046, 120 б.